

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
№4- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.

30 октябр 2019 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев қўйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

Кун тартиби:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши, ҳамда “Фаол тадбиркорлик ва инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили ” Давлат дастурини бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар. Институт олимлари тамонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларнинг натижалари ва инновацион ҳамкорликнинг ҳолати

Маърузачи: Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор проф.Р.А.Амануллаев

2. 2018-2019 ўқув йили ёзги малакавий амалиёт натижалари ва янги ўқув йилидаги режалари

Ахборотчи: Амалиёт ишлари раҳбари доц. М.Т.Сафаров

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори ижроси юзасидан институт молиявий ва моддий-техника базасининг ҳолати ва ривожлантириш бўйича таклифлар

Ахборотчи: Ишлар бошқармаси бошлиғи Ғ.А.Элмуродов

4. Халқаро таълим бўлимининг иш фаолияти ва келгусидаги вазифалар

Маърузачи: Халқаро таълим бўлими бошлиғи Э.А.Гайбуллаев

5. Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш

6. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши, ҳамда “Фаол тадбиркорлик ва инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили ” Давлат дастурини бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар. Институт олимлари тамонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларнинг натижалари ва инновацион ҳамкорликнинг ҳолати. Маърузачи: Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор проф.Р.А.Амануллаев

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1 Институтнинг илмий-тадқиқот инфратузилмаси модернизациялансин ва кафедра ҳодимлари, илмий изланувчилар, клиник ординаторлар, магистрлар ва талабаларнинг кенг фойдаланиши ташкиллаштирилсин.

Масъул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор

Муддат – доимий

2. Институтда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик гуруҳлари сонини кўпайтирилсин ва гуруҳларга докторантлар, магистрлар, клиник ординаторлар ва талабалар жалб қилинсин.

Масъул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор

Муддат – доимий

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги иккинчи масала: 2018-2019 ўқув йили ёзги малакавий амалиёт натижалари ва янги ўқув йилидаги режалари Маърузачи: Амалиёт ишлари раҳбари доц. М.Т.Сафаров

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Вилоятларда талабаларни узлуксиз мониторингини олиб бориш учун талабалар сонини ҳамда яшаш манзилини инобатга олган ҳолда вилоятларга тақсимланган профессор-ўқитувчиларни зиммасидаги маъсулият оширилсин. Малакавий амалиёт ўташ даражасини ошириш мақсадида талабаларни даволаш муассасаларга тақсимлаш жараёни ВСС бошқармасидаги барча бош мутахассислари ёрдамида амалга оширилсин.

Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор, Амалиёт ишлари раҳбари
Муддат – Амалиёт давомида

2. 2019-2020 ўқув йили малакавий амалиёт жараёнини сифатини ошириш мақсадида ТДСИ талабаларининг малакавий амалиётни ўташ учун Институт томонидан 50та хорижий олий таълим муассасалари билан битилган меморандум асосида юбориш халқаро алоқалар бўлими билан биргаликда олиб борилсин.

Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор, халқаро алоқалар бўлими
Муддат – 3 ой муддат

3. Малакавий амалиётни юқори даражада ташкиллаштириш, сифатини ошириш мақсадида бугунги кун талабига жавоб берадиган шароитлари мавжуд бўлган тиббиёт муассасалари билан янги шартномаларни тузилсин.

Масъул – Амалиёт ишлари раҳбари
Муддат – Ўқув йили давомида

4. Малакавий амалиётни самарали ўтиши ва кўзланган натижаларга эришиш мақсадида малакавий амалиёт раҳбарларни ўз функционал мажбуриятларини тўлиқ бажариши ҳамда меъёрий ҳужжатларни ҳолати кафедра мудирлари томонидан назоратга олинсин.

Масъул – мутахассислик кафедралари мудирлари,
Муддат – доимий

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги учинчи масала: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори ижроси юзасидан институт молиявий ва моддий-техника базасининг ҳолати ва ривожлантириш бўйича таклифлар. Маърузачи: Ишлар бошқармаси бошлиғи Ғ.А.Элмуродов

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори ижроси бўйича институт моддий техник базаси янада ривожлантирилсин.

Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи
Муддат – доимий


2. Институтнинг илмий ва ўқув лабораторияларини керакли бўлган лаборатор жихозлар билан таъминлаш давом эттирилсин.

Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи
Муддат – доимий

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров ва Илмий ва инновация ишлари проректори Р.Амануллаев зиммаларига юклатилсин.

Институт кенгаш раиси,
профессор




Ж.А.Ризаев